



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY
VA O'RTA MANSUS TA'LIM
VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION RIVOJLANISH
VAZIRLIGI

“БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ

МЕРОСИНING АҲАМИЯТИ”

мавзусидаги республика онлайн

илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ



*Alisher
Navoiy*

580

5 февраль 2021 йил
Бухоро



<i>Qalandarov Hamza</i> ALISHER NAVOIY ASARLARIDA ISLOM TA'LIMOTI VA TASAVVUF G'OYALARI.....	224
<i>Qilichev R.</i> ALISHER NAVOIY SURATINI CHIZGAN MUSAVVURLAR...	226
<i>Шабнам Юсуфзода</i> “МУҲОКАМАТУЛ-ЛУҒАТАЙН” АСАРИДА “ДЕВОНИ ФОНИЙ” ШАРҲИ.....	229
<i>Muhtaram Rажабова</i> ALISHER NAVOIYNING SIYOSIY HUQUQIY QARASHLARI.....	233
4-шўъба. АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ	
<i>М.К.Абузалова, У.Ш.Аҳмадова</i> НАВОИЙ ШАХСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ПЕРИФРАЗЛАР.....	237
<i>Атоулло Ахмедов</i> НАВОИЙ АСАРЛАРИДА АДАБИЙ МЕЪЁР.....	241
<i>Ёқуб Саидов</i> «МУҲОКАМАТУЛ-ЛУҒАТАЙН» АСАРИНИНГ ИЛМИЙ-ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ.....	244
<i>Бибиш Жўраева</i> ЭЛИГА ЎЗЛИГИН ТАНИТГАН ДАҲО.....	248
<i>Х.А.Арипова, Н.Н.Розиқова</i> АЛИШЕР НАВОИ О КУЛЬТУРЕ РЕЧЕВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.....	251
<i>В.Е.Килчев</i> “МУНОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН” ВА SO‘ZLARARO MA’NOVIY MUNOSABAT.....	257
<i>Г.Тоирова, Г.Хайруллаева</i> НУТҚНИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ РАЗМЕТКА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ.....	260
<i>Г.Тоирова, Н.Ҳамроева</i> НУТҚ ОДОБИ НАВОИИ НАЗМИДА.....	263
<i>Д.А.Ахмадова</i> “LISON UT – TA’YR”DA METAFORALAR.....	266
<i>Н.Жаҳонова</i> НАВОИЙ ҚЎЛЛАГАН ЎХШАТИШЛАРНИНГ ЛУҒАВИЙ МАЪНОВИЙ ГУРУҲЛАРИ ХУСУСИДА.....	269
<i>Норова М.Ф.</i> АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА КЎМАКЧИЛАРНИНГ СЕМАНТИК-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	273
<i>Sevara Po`latova</i> ALISHER NAVOIY IJODIDA AREAL LINGVISTIKA...	276
5-шўъба. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ, ХОРИЖДА ЎРГАНИЛИШИ ВА АДАБИЙ ТАЪСИР МАСАЛАЛАРИ	
<i>Ф.А.Муминов</i> БЫЛ ЛИ АЛИШЕР НАВОИ СУФИЕМ И МИСТИКОМ?....	279
<i>Д.С.Ўраева, З.Б.Джалилова</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ГУЛЛАР ОБРАЗИНИНГ АСЛИЯТ ВА ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ....	285
<i>М.И.Гадоева</i> ALISHER NAVOIY G‘AZALLARIDA QO‘LLANILGAN “BAG‘IR” SOMATIZMINING INGLIZCHA VA RUSCHA TARJIMADA BERILISHI.....	288
<i>Mehrighiy Jo‘rayeva</i> NAZM VA NAVODAGI HAMOHANGLIK.....	292
<i>Д.А.Насрийева</i> NAVOIY ASARLARINING TARJIMADAGI O‘RNI.....	294

4-шўъба. АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

НАВОИЙ ШАХСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ПЕРИФРАЗЛАР

М.К.Абузалова

Филология фанлари доктори, профессор (БухДУ),

У.Ш.Аҳмадова

Ўқитувчи (БухДУ)

Ўзбек тилшунослиги ўзи шаклланган даврдан ҳозирги кунга қадар турли босқичларни босиб ўтиб, ўзининг сўз бойлиги, серкирралиги билан алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда. Бу эса тилнинг лексик-семантик муносабатга эгаллиги унинг луғат бойлигидан, миллий-этник хусусиятларидан далолатдир. Тилимиздаги лексик бирликлар лисонда турли семантик муносабат асосида ҳар хил парадигма ҳосил қилган ҳолда мавжуд бўлади. Синонимик, антонимик, градуонимик, партонимик, гипонимик муносабат ана шундай лисоний муносабатлардир. Синонимлик муносабатларини нафақат сўзлар доирасида, балки перифраза (тасвирий ифода)лар ўртасида ҳам мавжудлигини кўриш мумкин.

Перифраза (тасвирий ифода)лар – предмет, воқеа ва ҳодисаларнинг ўз номи билан эмас, балки уларнинг характерли белги хусусиятларини тасвирий усул орқали ифодалаш жараёни ҳисобланар экан, улар услубий восита сифатида нутққа кўтаринкилик, образлилик бахш этиб, жамият тараққиёти талабларидан келиб чиқиб, луғат таркибини бойитади. Нутқ жараёнида такрорлардан, қайтариқлардан, қочиш имконини беради, нотикни сўзамолликка, тингловчини эса фалсафий мушоҳада этишга ундайди. Шунингдек, перифраза (тасвирий ифода)лар фақат жозибадорлик ва образлилик, нутқни бойитиш, унинг мазмунини кучайтириш учунгина эмас, балки жамиятнинг олға қадам кўйишига тўсқинлик қилаётган иллатларни фош қилиш, улардан кулиш ва уларга қарши курашга чақириш мақсадида ҳам ишлатилади. Бинобарин, перифраза (тасвирий ифода)лар предмет, воқеа-ҳодисаларнинг ўз номи орқали юзага чиқмаган зарур хусусиятларини тасвирлаб, бўрттириб, изоҳлаб ва тўлдириб кўрсатишда муҳим нутқий восита ҳисобланиб келади. Ҳар бир тилнинг луғат таркиби устида олиб борилган ишлар шуни кўрсатадики, сўз маъноларининг ўзгариши тасодифий бир ҳол бўлмай, балки жамият тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ қонуний ҳодисадир. Жамият тараққиёти натижасида вужудга келган янги предмет, тушунчалар ҳар доим ҳам янги сўзлар орқалигина ифодаланмай, балки

предметнинг маълум белги-хусусиятларини, ўзига хос томонларини очиб берувчи сўз маънолари орқали ҳам тасвирланади. Шунга кўра, сўз маънолари кўчади, кенгаяди ёки тораяди. Сўз маъноларининг кенгайиши ва кўчган ҳолда қўлланиши тилнинг, айниқса, луғат таркибининг бойлигини оширувчи омиллардан биридир. Сўзларни кўчма маънода қўллаш луғат бойлигини кўрсатувчи, услуб раволиги, ифода мазмундорлигини таъминловчи, образлилик яратишга хизмат қилувчи муҳим воситадир. Мана шундай муҳим воситалардан бири перифразалардир.

Ўзбек тилининг серқирралигини кўрсатувчи воситалардан бири перифраза (тасвирий ифода)лар ҳисобланар экан, перифразавий воситалар биринчи галда **бадий услуб** учун хизмат қилади. У бадий услубнинг олий шакли, таъсирчан, этик-эстетик воситаси саналади. Аҳамиятли томони шундаки, тасвирий ифодаларнинг қўлланиш доираси бадий адабиёт билангина чегараланиб қолмайди.

Шахс номини ифодаловчи гуруҳга мансуб бўлган перифраза сифатида шоирлар кавмига тегишли улуғ аждодимиз – Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг номларига нисбатан қўлланилган «буюк аллома», «миллатимиз ғурури», «буюк ахлоқ отаси» каби перифрастик бирликлар турли даврларда пайдо бўлган ёки кенг истеъмолга кирган бўлса-да, уларнинг бизгача яшаб келаётганлиги фикримизни далиллайди.

Ҳусайн Бойқаронинг «Рисола»сида ҳам ҳазрат Навоийнинг туркий тилдаги ижоди, хусусан, шеърятини ҳамда «Хамса» асарига юксак баҳо берилиб, буюк шоир «сўз мулкининг кишваристони, соҳибқирони» деб улуғланади [Юсупова 2013: 272].

Ўзбек халқининг буюк сиймоларидан бири – мутафаккир, олим, газал мулкининг султони, ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоийни барча даврларда ҳам бутун турк дунёси «шамс ул-миллат», яъни миллат кўёши деб эъзозлаб келган [Ғаниева 2011: 72].

Агар бу зотни авлиё десак, у – авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак – мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак – шоирларнинг султонидир. Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан кам топилади (Ислом Каримов).

*Ишонч билан айтаманки, ўрта асрларнинг **Ренессанс шоири** Алишер Навоийдир [Ҳаббибейли 2017: 48].*

*Мустақил мамлакатимиз ёшларини баркамол инсон қилиб тарбиялашда ҳазрат Навоий асарлари муҳим аҳамият касб этади. Умуман, Алишер Навоий барчамизни руҳий поклашга, маънан юксалтиришга қодир **безавол маънавий қудрат**дир [Эркинов 2013: 272].*

«Алишер Навоий: қомусий лугат» миллий лугатишуносликда бадиий сўзнинг нейтрал маъносидан ташқари, унинг матндаги маъно товланишларини ҳам кўрсатиб бериш йўлида қўйилган илк қадамдир. ...бу йирик тадқиқотда ҳам улуг шоир ижодида қўлланилган тушунча ва сўзларнинг ўндан бир қисмигина изоҳини топган. Қомусларга сизмас даҳо қўллаган сўз, ибора, мақол ва тушунчалар ҳам изоҳланиши кераклиги аён. Демак, бу йўлдаги ишлар ҳали давом эттирилиши лозим (Йўлдошов 2017: 22)].

Бугун – шеърият мулкининг султони, улуг сўз санъаткори Алишер Навоий таваллуд топган кун. Бугун нафақат Ўзбекистонда, балки мутафаккир ашъорлари кириб борган ҳар бир мамлакатда навоийхонлик, газалхонлик тадбирлари ўтказилмоқда (Газетадан).

Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг гурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир (Матбуотдан).

Шунингдек, манбаларда Алишер Навоийга нисбатан ишлатилган жаҳоншумул тафаккур соҳиби, қомусий даҳо каби кўплаб перифразаларга дуч келамиз. Қўлланилган перифразаларнинг бирортаси ҳам окказионал характерга эга эмас. Уларнинг деярли барчаси нутқдан тилга кўчган тасвирий ифодалардир.

*сўз мулкининг соҳибқирони
газал мулкининг султони
ўзбек адабий тилининг асосчиси
миллат қуёши
шоирларнинг султони
ренессанс шоир
қомусларга сизмас даҳо
шеърият мулкининг султони
улуг сўз санъаткори
ўлмас сўз санъаткори
жаҳоншумул тафаккур соҳиби
қомусий даҳо
безавол маънавий қудрат*

Ҳазрат Мир Алишер Навоий

Турк тилининг ҳимоячиси, ўзбек адабий тилининг асосчиси Ҳазрат Мир Алишер Навоий шахсини ифодаловчи ушбу перифрастик бирликлар ўзининг таъсир кучи ва бўёқдорлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Тил – инсонлар ўртасидаги оддий фикр алмашиш воситаси бўлиб қолмасдан, балки у миллатнинг шаклланиш, ривожланиш ва тараққиёт белгиси,

ижтимоий ҳаёти, халқнинг қалбидир. Тил – миллат вакиллари мустаҳкам бирлаштирувчи, тутиб турувчи белбоғ демак, бу рамзий белбоғнинг куч-қудрати уни ташкил этувчи талаблар жамият аҳлининг яъни сиз-у бизларнинг она тилимизга нисбатан бўлган муносабатимизга боғлиқдир.

Ўзбек адабий тилининг кейинги йилликлардаги тараққиётини кўз олдимизга келтирар эканмиз унинг функционал-вазифавий имкониятларининг нақадар кенгайиб кетганлигининг гувоҳи бўламиз. Жамиятда фаолият кўрсатаётган халқ тинимсиз ривожланиш ва тараққиётда бўлгани каби уларнинг тили ҳам узлуксиз бойиб бориши табиий бир ҳолдир. Кўп асрлардан буён ўзбек халқи ва миллатининг алоқа воситаси бўлиб келаётган ўзбек тилининг имкониятлари унинг барча кўринишларида яна ҳам кенгайди, замонлар силсиласида, бадиий ижод жараёнида яна ҳам сайқал топди. У энди ўзбек халқи учун ўзаро алоқа қилиш ва бир-бирларига хабар етказиш воситасигина эмас, балки юксак бадиий-эстетик туйғуларни ҳам ифодалай оладиган ва худди шундай таъсир кўрсата оладиган, кишиларга завқ берадиган нодир бойликка айланди. Ана шу нодир бойликни, бошқача қилиб айтганда, она тилимизнинг серқирра имкониятларини бутун нозикликлари билан таҳлил қилиш ва уни яна тилнинг ўз ижодкори – халққа қайтаришда перифраза (тасвирий ифода)лар кўмакка келаётганлиги аҳамиятга моликдир.

Адабиётлар:

1. Йўлдошов Қ. Қомусларга айланган ижод // «Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. –Навоий, 2017. – Б. 22-26.
2. Эркинов А. Улуғ шоирни англаш йўлида (Сўз боши) // Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (А.Навоий даври). – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 272.
3. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (А.Навоий даври). – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 272.
4. Ғаниева С. «Мажолис ун-нафоис»нинг хориждаги таржималари ва нашрлари// «Алишер Навоий ижоди ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти» мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент: – Ўзбекистон, 2011. – Б. 72-75.
5. Ҳаббибейли Исо. Алишер Навоий – умумтуркий адабиётнинг буюк вакили// «Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. – Навоий, 2017. – Б. 48-51.